



ОТЛАРДА ЙИРИНГЛИ КОНЬЮНКТИВИТНИ ДАВОЛАШ

Ў.А.Раҳмонов¹

асс.

А.Р.Сапаров²

талаба

М.К.Қахарова³

¹⁻²⁻³Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети тошкент филиали
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6724551>

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2022

Accepted: 02nd June 2022

Online: 05th June 2022

KEY WORDS

Кўз, кўриш анализаторлари, новокаинли қамал, кўз касалликлари, ташхис, даволаш, клиник белгилар, иқтисодий самарадорлик.

ABSTRACT

Мақолада, отларда кўп учрайдиган кўз касалликларидан конъюнктивит ва унинг асоратидан келиб чиққан йирингли конъюнктивитларнинг этиопатогенези, даволашнинг новокаинли қамал усуллари, бажариш услублари ва иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган.

Давлатимиз томонидан чорвачилик фермер ва шахсий хужаликларни ривожлантириш мақсадида бир қанча қарорлар қабул қилиниб, олимларимиз томонидан тавсияномалар ишлаб чиқилмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш заминда, йилқичилик ҳам интинсив ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда ишчи ва спортчи отлардан халқ хужалигининг турли спорт ўйинларида, турли хилдаги ишларни бажариши, иппототерапия ва бошқа сохаларда фойдаланилмоқда.

Отлар - сезиш, кўриш, эшитиш ва эслаб қолиш қобилияти билан бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан ажралиб туради.

Отларда кўриш аъзо-анализаторлари жуда ҳам нозик ва мураккаб тузилишга эга бўлиб - ташқи муҳит ва борлиқни

билишнинг асосий қуроли бўлиб, унинг фаолияти марказий нерв системасига боғлиқ. Ташқи ва ички муҳитдан қабул қилинган таъсуротлар реффлектор ёйи асосида информациялар бош миёга трансформация усулда етказилиб анализ - синтез қилиниб, керакли аъзоларга импульслар шаклида етказилади. Отларнинг кўриш анализаторлари ташқи муҳит таъсуротларининг 90% ини қабул қилиб, буйрак усти, қалқонсимон, жинсий ва бошқа безларнинг иш фаолиятини яхшилайти, гармонлар ишлаб чиқаришини стимуллайти. Кўриш аъзоларининг яллиғланиш жараёлари ўзига хос даврларда кечиби, аввалига патологик ўчоқда шиш, оғриқ ҳосил бўлиши ва экссудат ажралиб чиқиши кузатилади. Бунга яллиғланиш



ўчоғидаги қон томир ва нерв системаси иш фаолиятининг бузилиши сабаб бўлиб, гиперемия, экссудатция, ацидоз, кўриш аъзо атрофидаги тўқималарда моддалар алмашинуви, кислота-ишқор мувозанатининг бузилиши билан ифодаланади.

Патологик ўчоқнинг кейинги даврида аста-секин қон ва лимфа айланиши тикланади, қон томирлар девори тораяди, экссудатция ва хужайра эмиграцияси пасайиши ва тўхтади. Ўлган тўқималарнинг қайта тикланиши ва бириктирувчи тўқиманинг ўсиш жараёни кузатилади (Б.А.Башкиров ва бошқ. 1990. Артамашина Ю.Ю., Ахмадулин А.Д. Копёнкин Ю. П. и др Селезнев С.Б. 2004).

Тадқиқот объекти ва услубиёти. Минтақамизда отларнинг кўриш анализаторлари ва унинг ҳимоя орган касалликлари кўпроқ кўпқари ўйинлари вақтида механик таъсуротлар оқибатида келиб чиқиши аниқланган.

Дастлаб вилоятимизда отлар орасида учрайдиган кўриш анализаторларининг касалликлари асосан конъюнктивит ва йирингли конъюнктивит билан касалланиш даражаси, этиопатогенези ва даволашнинг рационал усулларини ишлаб чиқиш ўрганилади. Отлар орасида конъюнктивит ва йирингли конъюнктивит касалликларини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омилларни ўрганиш, умумий ва махсус усуллардан фойдаланиб аниқ ташхис қўйиш, даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадида чорвачилик фермер ва шахсий хўжаликларга қарашли спорт ва ишда фойдаланиладиган отларда хирургик диспансерлаш йўлга қўйилган.

Бунда отларни сақлаш ва озиқланиш шароитлари, рацион таҳлили, клиник текширишлар, қон намуналарини лаборатор текширишлар ёрдамида касалланиш даражаси аниқланади. Клиник текширишларда отларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси, кўз шиллиқ пардаларнинг ҳолати, тана ҳарорати, юрак уриш сони, нафас олиши, кўриш анализаторлари ва ҳимоя органларидаги патологик жараёнлардан – ҳосил бўлган шишларнинг характери, оғриқнинг бор-йўқлиги аниқланади. Конъюнктивит ва йирингли конъюнктивит билан касалланган отларда касалликнинг этиопатогенезини ўрганиш мақсадида касалланган отлар ажратилиб, клиник, олинган қон намуналари гематологик текширишлардан ўтказилди.

Кўз орбитасининг юмшоқ тўқималарида ривожланадиган паталогик жараёнлар организмда кечадиган умумий жараёнлар бўлиб, кўз қовоқларининг шишиши, блефароспазм, конъюнктивит, кератит ва бошқа турдаги касалликлар ҳайвоннинг кўриш қобилиятининг пасайишига ёки умуман юқолиши маҳсулдорлигининг кескин пасайиши ва иш фаолиятининг бузилиши билан характерланади. (А.Ф.Русинов 1987). Бу эса ишлаб чиқаришга катта иқтисодий зарар етказади. Шу сабабли отларда учрайдиган конъюнктивит ва унинг асорати йирингли конъюнктивит касалликларининг учраши, этиопатогенези, даволаш ва олдини олиш чора тадбирларини такомиллаштириш йилқичиликда асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тажрибалар тахлили. Илмий тажрибаларимиз Жомбой туман,



“Чорвачи беклар” чорвачилик фермер хўжалигига қарашли, зоти, ёши ва ранги ҳар хил бўлган конъюнктивитнинг асорати, йирингли конъюнктивит билан касалланган 6 бош отларда олиб борилади. Тажрибадан олдин ва тажриба давомида отларнинг сақланиши, озиқлантириш шароитлари тенглаштирилиб 3 бошдан 2 гуруҳга ажратилади. Хар бир касал отнинг умумий ҳолати, кўриш аъзолари ва ҳимоя органларига аниқ, тезкор ташхис қўйиш, йирингли конъюнктивит касалликларининг кечиш босқичлари аниқланди. Хар бир гуруҳ отларида даволаш усуллари касалликнинг даражасига қараб белгиланди.

Тажрибадан олдин ва тажриба давомида йирингли конъюнктивит билан касалланган отлар умумий ва махсус текшириш усулларида фойдаланиб текширилди ва қўйилган аниқ ташхис асосида даволаниб патологик жараёнлардаги ўзгаришлар клиник белгилари таяниб аниқлаб борилди.

Биринчи тажриба гуруҳ касал отларнинг касалланган кўз тўқималарида модда алмашинув жараёнларини яхшилаш ва трофикасини ошириш мақсадида 1 кг трик вазнга 0,5% ли новокаин эритмасидан 0,5 мл миқдорда бўйиннинг краниал нерв тугунига 5 кунда бир марта, ҳаммаси бўлиб 3 марта қамал қилиниб, кўз конъюнктиваси ва

шоҳ пардаси илиқ ҳолатдаги қуюқ қора чой билан ювилиб, қуритилиб сўнгра қанд кукуни сепиб борилди. Кечқурига бориб гидрокортизон - новокаин эритмаси томизилиб, сағра мускулига 5 кун давомида Витамин В1 5-мл миқдорда инекция қилиб борилди.

Тажрибагача ва тажриба давомида отларнинг кўзидаги клиник белги ўзгаришлари 1- тажриба гуруҳи отларида тажрибанинг 5 кунда, 2 – тажриба гуруҳи отларида тажрибанинг 3- кунда ўзгариш сезилиб, куз- ёш секретининг ажралиши камайган, оғриқ пасайган, конъюнктива шиллиқ пардасида шиш кичрайиб, қизариши камайган ҳолатлари аниқланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки- 1-гуруҳ отларига 0,5 % ли новакаин эритмасидан 1 кг тирик вазинга 0,5 мл миқдорда бўйиннинг краниал симпатик нерв тугуни қамал қилинганда ўткир йирингли конъюнктивит тажрибанинг 5-кунига келиб клиник белгилари ўзгариб 16-17 кунга келиб тўлиқ тузалди.

2- тажриба гуруҳидаги қўшимча тетрациклин малҳами қўлланилган отларда клиник белгиларининг ўзгариши тажрибанинг 3-4 кунлари кузатилиб, 13-14 кунларга келиб тўлиқ тузалди.

Қўшимча тетрациклин малҳами қўлланилган отларда ўткир кечувчи йирингли кератоконъюнктивит билан касалланган отларда даволаш молажалари 3 кунга қисқарди.

References:

1. Башкиров Б.А. ва бошқ. Общая ветеринарная хирургия. М. Агропромиздат, 1990)
2. Копенкин Ю.П., Сотникова Л.Ф. М: Товарищество научных изданий КМК; Авторская академия, 2008. С. 98105.
3. Русинов А. Ф. Болезни глаз сельскохозяйственных животных и методы лечения. Харьков, 1987.



4. Ахмадулин А.Д. Копёнкин Ю. П. и др. Новые методические приёмы при кератопластике //Материалы всероссийского ветеринарного конгресса. Москва, 2004.
5. Вилмис Д.А. Диагностика, клиноморфологическая характеристика и лечения сухого кератоконъюнктивита у собак. Автореферат дисс. на соиск. уч. ст. кан. вет. наук. Москва, 2008.